



ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ ГАЗЕТА

АДОЛАТ

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган

МАҲСУЛОТНИНГ БОЗОРИ ЧАҚҚОН

Мустақиллигимизнинг 16 йиллиги арафасида Андижон гузал Фарғона водийсининг янгиланаётган, яшарайётган ва яшайётган гулшанига айланди, десак асло муболаға бўлмайди. Янгидан-янги қуриляётган мактаблар, коллежлар ва шифо масканлари, кенг ва раvon йўллар фикримиз далили. Айниқса, вилоятда ишлаб чиқариш корхоналарининг барпо этилишига муҳим эътибор қаратиляётгани аҳолини иш билан таъминлашга, пировардида, уларнинг турмуш фаровонлиги ошишига хизмат қилмоқда.



Ана шундай юқори рентабеллик ва сифатли маҳсулотлари билан нафақат мамлакатимиз, балки хориж давлатлари орасида ҳам ном қозонган Алишер Навоий номидаги ил-йигирув ва тўқув ҳиссдорлик жамиятида бугун иш қизиган. Корхона 1997 йилда "Марказий Осиёда тадбиркорлиқни қўллаб-қувватлаш" халқаро фонди билан ҳамкорликда ўзининг 5 миллион АҚШ доллари миқдорида биринчи инвестиция дастурини амалга оширганди. Натижада 8 миллиард 100 миллион

сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 3 миллион 100 минг АҚШ доллари тенг миқдорда маҳсулот экспорт қилинди.

Иккинчи инвестиция дастурини амалга ошириш учун Ислоом тараққиёт банкидан 7 миллион АҚШ доллари ҳамда Американинг "Витком Инвестменс ЛЛС" фирмасидан 2,2 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит олинди. Кредит шартномасига мувофиқ, Германиянинг "Трушлер" ҳамда Хитойнинг "Жинг Вей Машинери Ко ЛТД" фирмала-

рининг замонавий технологиялари олиб келинди. Дастгоҳлар ишга туширилиб, янги иш ўринлари яратилди. Биргина Чинобод қишлоғида, яшаётган 350 нафар хотин-қиз доимий иш ва юқори маош билан таъминланди. Шунингдек, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 3,5 минг тоннадан 7,5 минг тоннага кўпайди. Экспорт ҳажми ҳам шунга яраша; 3,2 миллион АҚШ доллари ўрнига 7 миллион долларга етди.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар асосан Бельгия, Жанубий Ко-

рея, Туркия, Россия, Латвия, Италия, АҚШ, Чехия ва Швейцария давлатларига экспорт қилинмоқда. Корхона хорижий ҳамкорлар билан алоқаларни мустақамлаш, бозор маркетингини ўрганиш учун Жанубий Корея ва Туркия давлатларида савдо уйлари ташкил этди. Экспорт қилинаётган маҳсулотнинг 60 фоизи ана шу савдо уйлари орқали амалга оширилмоқда.

Азамат МАҲМУДОВ,

"Адолат" мухбири

Носир ҲАЙДАРОВ олган сурат

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасида 2007 йилги Давлат мукофотларини бериш тўғрисида

1. Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотларини таъсис этиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 июлда қабул қилинган ПФ-3781 сонли Фармонида кўзда тутилган 3 та иккинчи даражали мукофот ўрнига 2007 йил учун, истисно тариқасида, 6 та иккинчи даражали мукофот берилиши белгилансин.

2. Ўзбекистон Республикасининг Фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги давлат мукофотлари кенгашининг 2007 йилги Давлат мукофотлари бўйича тақлифига биноан мамлакатимиз илм-фани, адабиёти ва санъатини ривожлантиришга қўшган салмоқли ҳиссаси, жамиятимизнинг ижтимоий-иқтисодий, илмий-техник ва маънавий-маърифий ҳаётида алоҳида эътиборга сазовор бўлган, халқаро микёсда эътироф этилган фундаментал тадқиқотлари, замон талабларига жавоб берадиган юксак, мазмунан долзарб ижодий ишлари учун

– Собир Юнусович Юнусов (марҳум), Фарход Набиевич Жаҳонгиров, Равшанбек Давлетович Курбон, Шомансур Шохсаидович Саъдуллаев, Олимжон Зоирович Содиковга – "Янги антиаритмик таъсирга эга бўлган "Алпанин" доривор препарати асосларини ишлаб чиқиш ва яратиш, тиббиёт амалиётига татбиқ этиш ҳамда йирик ҳажмларда ишлаб чиқишни ташкил этиш" мавзусидаги иши учун;

адабиёт соҳасида: – Озод Шарафиддиновга (марҳум) – "Ижодни англаш бахти" ва "Довондаги ўйлар" асарлари учун;

санъат ва меъморчилик соҳасида: – Анвар Йўлдошевчи Эрғашевга – "Хумо" балети учун.

Иккинчи даражали давлат мукофотлари куйидагиларга берилсин:

фан ва техника соҳасида: – Эдвард Васильевич Ртвеладзегга – "Марказий

Осиё тарихи ва маданияти тарихи" мавзусидаги ишлари туркуми учун; – Илхом Гафурович Отабоев, Амин Сафарбоевич Саидов, Мухтор Сафарбоевич Саидовга – "Янги яримўқазгич қаттиқ қорималар ва уларда киришмалар билан боғлиқ бўлган ҳодисалар" мавзусидаги иши учун;

адабиёт соҳасида: – Мухаммадали Аҳмедов (Мухаммад Али)га – "Улуғ салтанат" роман-дилогияси учун;

санъат ва меъморчилик соҳасида: – Эдуард Рубенович Давидовга – "Ўзбекистон дурдоналари", "Хоразмнинг олтин ҳалқаси" телевизион фильмлар туркуми учун; – Қамара Шодмоновна Камолова, Шомирза Фаниевич Турдимов, Мухаммад Нусратуллаевич Абдухаировга – "Йўл бўйсин" бадиий фильми учун; – Холита Ҳафизовна Комиловага – миллий кийимлар дизайни бўйича ишлари учун.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри, 2007 йил 23 август

И.КАРИМОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

Шу йил 23 август кунли парламент юқори палатасининг қўмиталарига Сенатнинг бўлажак ўн биринчи ялпи мажлиси кун тартибига киритилиш мўлжалланган масалаларни кўриб чиқишга бағишланган мажлислар бўлиб ўтди.

Чунончи, Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитасининг мажлисида «Автомобиль йўллари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни кўриб чиқилганда ушбу ҳуқуқий ҳужжат автомобиль йўллари билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатларни такомиллаштиришга қаратилганлиги қайд этилди. Шундан кейин амалдаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштиришга қаратилган бир қатор қонунлар кўриб чиқилди. «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб

чиққан жой номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини муҳокама қилиш вақтида таъкидлангандек, Қонуннинг мақсади товар белгилари тўғрисидаги миллий қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш ҳамда уларни халқаро шартномалар ва битимларга мувофиқлаштиришдан иборатдир. Сенаторлар «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига Қонунига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ҳам кўриб чиқдилар. Ушбу Қонунда аудиторлик таъкидланганлиги қайд этилди. «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб

малака сертификати амал қилишини тўхтатиш асослари белгиланаётганлиги, аудиторлик ташкилотига қўйилган лицензия талаблари ва шартлари, шунингдек, аудиторлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бошқа ҳуқуқий нормалар жорий этиляётганлиги қайд этиб ўтилди. «Сугурта фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни кўриб чиқилар экан, киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар сугурта хизматлари бозорини янада ислох қилиш ва ривожлантириш ҳамда сугурта фаолиятининг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш билан боғлиқ эканлигига эътибор қаратилди.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

22-23 август кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Депутатлар Қонунчилик палатасининг Кенгаши томонидан тақлиф этилган кун тартибини тасдиқладилар. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2007 йил биринчи ярим йиллиги якунлари бўйича ижроси тўғрисида Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг ўринбосари С.Бекенов маъруза қилди. Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси раиси А.Аҳмадов мазкур масала бўйича қўшимча маъруза қилди. Савол-жавоблардан сўнг муҳокама бўлиб ўтди, унда барча сиёсий партиялар фракциялари вакиллари сўзга чиқдилар.

Депутатлар мамлакатнинг асосий молиявий ҳужжати биринчи ярим йилликда даромадлар харажатлардан оширилган ҳолда ижро этилганлигини, Вазирлар Маҳкамаси бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш ва

иқтисодий эркинлаштириш, солиқ тўшуми механизмининг такомиллаштириш, бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар қабул қилганлигини таъкидладилар. Ҳукумат томонидан, шунингдек, бюджетнинг биринчи навбатдаги харажатларини, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини ҳимоя қилишга доир чора-тадбирларнинг зарурлиги ва ўз вақтида амалга ошириляётганлигини таъкидлаб, қонун лойиҳасини янада такомиллаштиришга қаратилган қатор тақлиф ва фикр-мулоҳазалар билдирдилар. Қонунчилик палатаси киритилган тузатишларини инобатга олган ҳолда Қонуни қабул қилди.

«Қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ҳамда ўтказишни тартибга солиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»

ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳақида Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси Ф.Ражабов депутатларга ахборот берди. Бўлиб ўтган муҳокама жараёнида барча сиёсий партиялар фракциялари вакиллари сўзга чиқдилар. Депутатлар фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган чора-тадбирларнинг зарурлиги ва ўз вақтида амалга ошириляётганлигини таъкидлаб, қонун лойиҳасини янада такомиллаштиришга қаратилган қатор тақлиф ва фикр-мулоҳазалар билдирдилар. Қонунчилик палатаси киритилган тузатишларини инобатга олган ҳолда Қонуни қабул қилди.

«Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг аъзоси Қ.Тошматов тақдим этди. (Давоми 2-бетда)

ЯНГИЛАНИШЛАР ЖАРАЁНИДАГИ ФАОЛЛИК

масъулият ва фидойилик ҳар бир партия аъзосига бирдек тааллуқли

Партия аъзосининг ана шу уч хислат соҳиби бўлиши жамиятда керакли нуфуз-обрўга, электорат ишончини оқлашига хизмат қилади. Қувонарли томони, партия аъзоларининг аксарияти зиёвлар қатламига мансуб, уларнинг савияси, интеллектуал салоҳияти бундай муҳим вазифаларни ундашга қодир. Шундай экан, бор имкониятлардан оқилона фойдаланиб, фаолият ва масъулият кўрсата оладиган, электорат манфаатини ифода этадиган аниқ дастурларни оғишмай амалга оширмоқ лозим.

Дарвоқе, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг жойларда бўлиб,

аҳоли билан учрашувлар ўтказганида шу нарсга кузатилдики, партия фаоллари қанчалик халқ орасига қириб борса, инсонпарвар ислохотларни жорий этишда мустаҳкам партиявий позицияни намоён эта билса, нафақат аъзолар, балки хайрихоҳлар сафини ҳам кенгайтириши, ишонч ва эътиборини мастаҳкамлаши шубҳасиз экан.

— Мазкур масаланинг Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши Ижроия Қўмитасининг навбатдаги йиғилишининг асосий мавзуси бўлгани бежиз эмас, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикер ўринбосари, "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши биринчи котиби Дилором

Ижрокўм йиғилиши

Тошмуҳамедова тадбирда сўзга чиқиб. — "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий Қонуннинг қабул қилиниши республикамиздаги бошқа сиёсий партиялар сингари Ўзбекистон "Адолат" СДП зиммасига ҳам улкан масъулият юклаши билан бирга, кенг имкониятлар яратиб беради. Конституциявий Қонуннинг қабул қилиниши ва келгуси йилнинг 1 январидан кучга кириши, аввало, партиялар ўртасида кескин рақобатни юзага келтиради. (Давоми 2-бетда)

Байрам шукӯҳи

АССАЛОМ, РЕГИСТОН — ШАРҚ ТАРОНАСИ!

Эртага Самарқандда қадим шаҳарнинг 2750 йиллик юбилеи ва «Шарқ тароналари» халқаро мусика фестивали тантаналари бошланади

«Жайхун дарёсининг ортида...ери болоён, суви мўл бир шаҳар борким, ул шаҳарни Худонинг ўзи асраган. Дарвозаларининг ҳар бирида беш мингтадан фаришталар бўлиб, қанотлари кенг ёзган ҳолда шаҳар аҳолисини ёмон кўзлардан асраб турар эди...»

Абдул Ҳаким Самарқандий

Ха, афсоналар ичра қайта тугилган кўна Самарқанд бугун 2750 йиллик кўтлуг ёшини қаршиламोқда. (Давоми 2-бетда)



ИСТИҚЛОЛ — ҚУЛОЧИНГ ЕТМАЙДИГАН СЎЗ

Яқинда паҳлавон дўстим Қаҳрамон Сайфуллаевнинг уйида меҳмон бўлдим. У, одатига кўра, қулочини кенг ёйиб, пешовоз чиқди. Орадан 5-6 дақиқа ўтиб чой олиб қирган кўзлари зийрак боқувчи бўз болани таништирди.

— Уғлим Рустамбек, 1991 йилнинг 1 сентябрь кунли туғилган. Яқинда роппа-роса 16 ёшга тўлади. Истиклолимиз тенгдоши. Президентимиз Мустақиллигимиз галабасини эълон қилаётганларида Рустам ойиси бағрида "ингалин"га лаётган эди. Ишонинг, қоматини тоғга айланди ўша пайт. Рустамнинг қадами, толеи порлоқ келди, дедим аёлимга эшиттириб. Уйга пиёда қайтаётиб, йўлда тўхтадим. Икки қулочимни кенг ёйдим. Ўзимча Истиқлолни, Хуриятни тасаввур қилмоқчи бўлдим, шекилли. Шу пайт го-йибдан садо келди: Истиклол — қулочинг етмайдиған сўз! Мен садога тан бердим. Кўз олдимда беповён кенгликлар, эркин ҳаволар, ўзлик нашидаси, сурури... Рустамбек отасини бироз тинглаб турган ортига қайтди. — Алломиҳди йиғит бўлибди,

афсонавий Рустам паҳлавонни ният қилгансиз-да, — дедим Қаҳрамоннинг хаяжонларини қўллаб-қувватлаб.

— У мустақиллиқнинг тоза ҳавосида ўсди. Яқинда паспорт олди. Мустақиллик ҳам балоғатга етди, оғайни! Энди унинг йўлини тўсиш осон эмас. Болаликда "оқ теракми, кўк терак" ўйини ўйнаганимиз? Болалар икки сафга тизиларди. Қўллар-қўлларга чирмашиб, навбат-навбат бир томон иккинчи томондан вакил чорларшарди. Гоҳ саф узилиб ютказиларди, гоҳ узилмай рақиб сафга қўшиб олинарди... Мана, 16 йилдирки, шу ўйинни кўрмайман. Чунки мустақиллик болаларининг ҳаммаси бир сафга тизилишган. Ниятлари бир. Орзулари бир. Сафлариди заиф жойи йўқ. Бир вақтлар фақирликка, муминликка, қобилликка, қаноатга менгаб қўйилган Мўмин, Қобил, Қаноат исмлари ўрнига энди Рустамбек, Озодбек, Хурият, Туронбека сингари исмлар қўйиллаётди. Қўзлариди ўт чақнаб турган авлод во-

Публицистика

га етиб улгурди. Улар Истиклол дарсларидан сабоқ олиб ўсдилар. Улар оламини махлиё айлаган Ватан фарзанди эканликларидан завқ туйиб яшамокдалар...

Ватан — Лаби ҳовуздаги улкан чинор!

Ватан — Минораи Калондек улкан вайроқ!

— Бир вақтлар бизнинг ҳовлимизда етти-саккиз хўжалик яшаган. Бу дегани юзга яқин одам бир қозондан овқат еган, — дейди кекса ҳосилот Жалол ака Аҳмадов. — Қўшни қишлоқдагилар маракамавридга хабар қилишса, хабар-чига катта ҳовлидагиларни бирма-бир айт, деб тайинланган. Етмиш олти ёшга қадам қўйдим. Радио тинглайман. Газета ўқийман. Ишонасизми, ўн олти йилда олтимиш йиллик тажриба тўппалам: энг катта ҳовли — Ватан экан! Бу ҳовли 16 йилдирки, кун сайин кўркамлашиб, салобатли ортиб бораёпти. Кўз тегмасин, деган сўзни минг марта, миллион марта айтишдан чарчамайман.

Марҳум тил-адабиёт фани муаллими Хайит Сафаров юрт мустақил деб эълон қилинган кунни тоғнодан мактабга келган. Қоровулнинг уйқозидан уйғотиб, мактабнинг дарвозасини, синф эшиги, деразаларини ланг очтирган. Мактаб ҳовлисига сувлар септирган. Хуриятга эришдик, юрт мустақил бўлди, деган қоровулни кучиб...

Чиндан-да, Мустақиллик — мамлакатимизнинг энг катта тўйи Президентимиз айтганларидек: "Бу байрам барчамизники, бутун халқимизники!". Бир ижодкор ўғлинг қатори тўйингга ушбу шеврни битдим, азиз дўстим! Ўзбекистон, сенинг ҳақингда, Шейр ёзмаган битта мен қолдим. Биров, шафақ деди, биров алов юрт, Фақат мен шевримда тасвирсиз қолдим. Урганшим шартдир. Шейр ёшимини шарт. Оқламоқ ҳам шартдир — Ватаннинг тузин. Ургана олишга етарликам вақт, Бўйинг кўкка етган, илдиңиз узун. Ха, Истиклол бўйи кўкка етган, илдиңиз теран юртинг элига зар камар, шох бөлбоғдир. Дилмурод ЖАББОР, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

